
«Ватан — улуғ, бурч — муқаддас!»

Данғара туман адлия бўлими ташаббуси билан Миллий гвардия бўлими ҳамкорлигида тумандаги 30-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида «Ватан — улуғ, бурч — муқаддас!» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ўтказилди.

Ташкил этилган тадбирда Ўзбекистонда ҳарбий-сиёсий соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, юртимиз хавфсизлиги ва тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга ҳар жиҳатдан қодир, замонавий, энг янги қурол-яроғлар ва ҳарбий техника билан таъминланган Миллий армия тўғрисида маълумотлар берилди.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан ўқувчи ёшларга ҳарбий хизматчиларнинг ҳимоя воситалари ва қурол турлари кўргазмали тарзда кўрсатилди.

Адлия бўлими томонидан мамлакатимизда ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича муҳим тавсиялар берилди.

2024-04-05 08:16:48